

Баҳоси 2 тийин.

СУВЧИ—ФЇЗАНИ ЯШНАТУВЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

(УЗТАГ)

ғуза суларимиз.
Сувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида уларга яхши шароит яратиб берайлик, ҳозир сувчиларимиз кунутун дала бошида бўлишмоқда. Улар сутасига икки маҳал иссиқ овқат, асал билан таъминланадилар. Уйларида ун, ғўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда. Ҳозир Ленин орденли сувчи Нурилла Чиндатов, Райимбек Нўлчиев, Н. Муродов, Тоштен Сафаров, Қайом Сафаров ўртоқлар нормани 1,5—2 ҳисса баъариб сугорида барчага нورات бўзатишлар.

Биз дала ишларини мусобақа: дошларимизнинг қимматли масал, ҳатлари асосида ташкил этиб, ғуза парваршишни юкск агро-техника қондалари асосида олиб борамиз.

Қ. СOTTИБОУЕВ,
Урта Чирчиқ районидаги
«Ленин йули» колхозининг
райск.

Хийдистон парламентиный аъзоси, Хийдистон Миллий конгресси партисийнинг раиси доктор Шанвар Даял Шарма Узбекистон буляъ сафарини тугатди.

Мехмон ва унинг ҳамроҳлари Тошкентда бўлишганда 1966 йил тарихий Тошкент урдушуви чоғида Хийдистоннинг сойиъ бoш мииистри Кароргоҳи бўлан-боғини зиёрат қилишди. Даял Вахиди Шарма вафот этган уйда гулчамбар қўйилди.

Ш. Д. Шарма Самарқандга бориб, унинг тарихий ёдгирликлари ва янги куриллишларини қўриди. Мехмон Тошкентда қайтиб келгач, Янгйўл райониданги «Ленинизм» колхозида бўлди.

(ТАТА)

ЛАГЕРЬ ҚҮЙНИДА

Болалар—кедажигимиз. Коммунизмнинг бўлажак ёш бунёдкорлари ҳақида партия-хукуматимиз оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу ғамхўрликни ҳамма ерда кўриш, ҳар қадамда сезиш мумкин. Мактаб ўқувчиларининг ёши каникулларини мароқли ўтказишлари ҳақида ҳар йили катта-катта ишлар амалга оширишмоқда. Тошкент, областимиз шаҳар ва районларида кўндан-кўн пионер лагерлари, пансионатлар ва туристик базалар ишлаб турибди. Энг баҳоли, соя-салқин оромгоҳлар мактаб ўқувчилари ихтиёрига бериб қўйилган.

Оққўрғон районидаги «Москвич» колхозини территориясида жойлашган Гагарин номида пионер лагерини мактаб ўқувчиларининг энг сенимли дам олиш масканларидан биридир. Лагернинг суҳбатчи даражаси бўйича, соя-салқин боғ-роғлар қўйнида жойлашган. Бу ерда болалар кўш, ҳаво ва тинч сузда баҳра олиб, мазмунли ҳордиқ чикаришляти. Лагерда бу йил 500 га яқин бола дам олади.

Лагерда болаларнинг яхши дам олишлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган,— дейди лагер бошлиғи Асқар

Давришев, — ўқувчилар турли кўнгли очар ўйинлар билан машғул бўлишади. Футбол, волейбол майдончалари, сув ҳавзаси, шахмат-шашка хоналари ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Кўча кино установа доғи хизматда, кечқурунлари болалар янги-янги фильмларини томоши қилишди, телевидение эшиттиришларини кўришди.

Болалар билан ишлашда тарбиячилардан Ф. Мирқосимова, Б. Мухлисов ва бош пионер вожатий З. Богдановлар аниқ-намуна кўрсатишляти. Улар раҳбарлигида ўқувчилар тез-тез

экскурсияларга чиқиб туришибди, турли адабий кечалар, спорт мусобақалари ўтказишляти.

Лагерда колхозчиларнинг ўғил-қизлари билан бир қаторда хўжаликни оналиққа олган ташкилот ва корхоналар — Олмаликдаги 80-автобаза, Янги-Йўлдаги қурилиш-монтаж бошқармаси ва Тошкентдаги 6-қурилиш трестининг ишчилари, қурувчилари ва хизматчиларининг фарзандлари ҳам дам олиб, ўз каникулларини мароқли ўтказишляти.

ДУСТЛИК

Лениннинг партияда мажбур, мангу бор дўстлик. Эрксевар, ҳамжihat элларга гарон, барқарор дўстлик. Бузулар қўнға оламини айлар танту тор дўстлик. Таномини қўнғиллар сайр атарга долазор дўстлик, Аҳли олам умрига боқи: нур-у, шўълавор дўстлик. Тураркан сақлаиб дўстлик башар кўз ёши кўл бўлмас, Қамшидек қирқилар пойи, жаҳонгирларга йўл бўлмас! Танга босилди тамга ки ҳеч ким ёнга кўл бўлмас, Ҳаётнинг мухташам боғи қуриб сахрою, чўл бўлмас, Мисоли ям-яшил арча сўлиш билмас баҳор-дўстлик. Қушдек нур сочиб дўстлик, чароқлар турса дунёда, Нетонг, Эрам ила Жаннат қурилса асри, сахрода, Оқар сув ўрнига шарбат ила бол нахру дарёда, Ажаб эрмас, чиқиб халқим «оқ олтин» экса «Зухро»да, Яратмоқ, тикламоқ, қурмоқ, шарафли зўр пиор дўстлик.

Едгор бахши ИСҲОҚОВ.

МЕҲРИГИЁЛАР

Узай қандон қилиб кўнглим газалхон ошолардан, Тиларман суҳбатини ҳар кун салом айтиб, саболардан. Агар бир неча кун қолсам кўришмай мен кироқларда, Қўлғим тинчимас, кўнглимдаги акси садолардан. Сўроқлар дўстларим келса, ую кўнглим бўлур обод, Мусафолхон кирур фикримга ҳам суҳбат асослардан. Билинган дўстларо суҳбатда ким сўнги табиатлик, Азиз дўст меҳри ортиқроқ бўлур меҳригиёлардан. Усар, ўсган сари меҳру муҳаббат, эл чўнон яшиб, Бузилмас қалъан дўстлик Садоқат ҳам вафолардан. Ажаб меҳригиёлик дўстларинг, Восит, Саодат бу, Сениб қадрига ет, ортиқ билиб сен тўтиёлардан.

Восит САЪДУЛЛА.

ҲАР ТҒРИДА

ҚОВУННИ ЁКИ КАРТОШКА

Уссури ўлкасида кўп ноёб ўсимликлар учрайди. Шулардан бири — қизил қовун — табиатнинг галати бир инжиқлиги билан тропик ва субтропик иқлим ўсимлиги бу ерда унинг қолган. Ўсимлик ноёб ҳовли гавларига ўралиб уй деворларига чакиб кетган. Шу сабабдан маҳаллий аҳоли уни чирмовиқ ўсимлик дейди. Қузда оч сариқ гуллари тагидан қизил мева пайдо бўлади. Меванинг тами қовун тамига ўхшайди. Уни шу ҳолида ва музлатилган ҳолда истеъмол этишди, қишга гавлар қўйишади.

Олимлар бу чирмовиқ ўсим-

лик хусусида кўп баҳслашмишди. Бирлари уни қовун дейишса, бошқалари илдинининг тузилишига қараб чирмовиқ картошка дейишди. Учинчи олимлар уни мазага лнанаси деб айтишди. Пировардида у қовоқ ўсимликлари оиласига киритилди.

Қизил қовун — инжиқ бир ўсимлик. Уни қўпайтириш учун «шахсий» чанглагич — кум ариси типидagi ёввойи асалари керак. Ўсимлик бошқасини тан олмайди.

В. ВАСИЛЬЕВ.
(ТАСС мухбири).
ХАБАРОВСК.

ЁҒОЧ СУВДА КУРИТИЛАДИ

Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариши учун жуда кўп миқдорда сифатли қуришган ёғоч талаб қилинади. Ёғочни аста-секин қуриштириш ишлаб чиқариш суръатини пасайтиради. БССР ФА иссиқлик ва масса алмасуви институтида ёғочни янги усулда, сувда қуриштириш усули ишлаб чиқилди. Сув тўла-

дирилган ваннага пўлат пластиналар — электродлар қўйиладиган унга ёғоч боғламлари туширилади. Ток таъсири остида иссиқлик акралиб чиқиб, сув бир текис исийди. Ваннадан олинган ёғоч боғламлари ўзидан иссиқлигини ва намин тез ажратади. Ёғоч тез қурийдиган. Бу очиқ ҳавода қуритилганга қараганда 50 марта тездир.

Реклама

ВД ЭМОНЛАР

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгилар, 10.10 — Кўнглим фильм, 10.20 — Эриш хандаси, 11.00 — МОСКВА, 17.15 — ТОШКЕНТ, 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 17.50 — Ахборот, 18.05 — Цирк программаси, 18.35 — Ахборот, 18.50 — Муслик жавони, 20.00 — Дала ишлари кўндалиги, 20.15 — МОСКВА, «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телеомошавиларнинг саволларига жавоб беради, 21.00 — Футбол: «ТОРПЕДО» (Москва) — «ДИНАМО» (Тбилиси), 22.45 — «Вақт», 23.15 — Оперетта ишчибозлари, сизлар учун. ИККИНЧИ ПРОГРАММА, 11.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.15 — МОСКВА, 20.15 — ТОШКЕНТ. Бугун — Халқаро кооперация кўни, 20.30 — Ўзбекистоннинг иқтисодий географияси, 21.00 — «Замандаш», 21.50 — Кавказ асираси (бадий фильм), УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 17.15 — ДУШАНБА КўРСАТУВЛАРИ.

КИНО

7 июлда

ҚИШКИ БИНОДА

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОНИ номи, «ҚУРҚА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ЧАНКА» (11.00, 14.00, 16.00, 20.30), «СПУТНИК» (12.00, 13.00, 20.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45), «МОСКВА» (15.00).
Лаутларлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНИНГ 50 ПИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).
Тенумзе — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (21.00).
Қонуи қонуиғича (жуфт соатларда), Яхши жойлашибсан (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ПИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Садоқат (11.00, 14.00), Испан изилари Парижда (17.00, 19.00, 21.00) — ХАМЗА номи.
Мангу севги — САНЪАТ СА. ОНИ (кундуз ва кечқурун).
Зуамат ичра юдуз — «МОСКВА» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).
Тасодиф — «ЧАНКА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45).

ЕЗГИ БИНОДА

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — КИРОВ номи, Тенумзе — «ФЕСТИВАЛЬ», Лаутларлар — «ХИВА».

ЎЗБЕК ДАВЛАТ

ФИЛМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМИДА

КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8 июлда

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ВОКАЛ-МУЗИКАЛИ,

ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Ортин УТАЖИМОВ, Зухра ГОЗИМОВА, Қадим ХУЖАЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Мажнуда БАХРИЕВА, Отамурод ХОНИЕВ.

Машҳур асирчиликлар: Микро-кумбур АМИНОВ, Мамарозин ИЛХОМ, Гониота ГОШМАГОВ, Насриддин МИРЗАМЕДОВ.

Ансамблининг бадий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти

ГАВҲАР РАҲИМОВА

Программани — Зухра ТЕМИРОВА олиб боради.

Концерт неч соат 7 да бошланади.

Вилетлар концерт зални насасида кундуз соат 2 дан сотиладиган.

Тошкент область суди ва Тошкент область икрияи комитети юстиция бўлимининг коллективлари олазаси М. Исмовога умр йўлдоши

Бобоҳон

АБДУЛЛАЕВИНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чўкур таъзия наҳор этидилар.

Ўзбекистон ССР Молия министри ва Тошкент шаҳар Молия бўлими республика миқёсдаги пенсияер, собиқ маля халқим

Юрий Ибрагимович

АБДУЛЛАЕВИНИНГ

вафот этганлиги чўкур қайғу билан маълум қилилди ва марҳумнинг оиласига таъзия билдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийннинг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01583 В. 1772.

Индекс 64633.



СУРАТЛАРДА: колхоз лагерини ҳаётидан лавҳалар.

А. АБАЛАН фотолари.

Спорт

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР БАХСИ

Стокгольмда Европанинг бир неча мамлакатлари, шунингдек Африка ва Америка Ёшлар Штатлари енгил атлетикачилари мусобақалари бўлиб ўтди. Найза улоқтиришда Мюнхенда ўтказилган олимпиаданинг кўмуш совриндори Янис Лусис энг юксак натижага эришди. Унинг найзаси 87 метр 20 сантиметр узоқликка бориб тушди. Халқаро енгил атлетикачилар баҳсида Лусисга ягона олтин медаль топширилди. Совет спортчиси бундай мукофотга бу сафарги натижадан унчи эмас, балки ўтган йили худди шу стадионда жаҳон рекордини ўрнатганлиги учун сазовор бўлди.

Москвалик Александр Корнелюк 200 метрга югуришда фахрли учинчи ўрнига чиқди.

РЕСПУБЛИКА КУБОГИ УЧУН

Физкультура коллективлари ўртасида футбол бўйича республика кубогининг нимчорак ўйналари бўлди. Пойтахтнинг «Инструментальщик» ва «Текстильщик» командалари сафарда магдубитта ураб мусобақадан чиқиб кетдилар. Маргилонинг «Меҳнат» командаси Қаршининг «Тонг» коллективини ўз майдонида ҳам, сафарда ҳам магдуб этиб, чорак финалга чиқди. Фарғонанинг «Пед-институт» командаси Красногорскнинг «Шахтёр» коллективини кубок мусобақаларидан четлаштирди. Қолган учрашулар кўндалдаги натижалар билан тугади: «Сплав» (Чирчик) — «Юзгий» (Навоий) — 3:1, (1:2), «Селстрой» (Ургенч) — «Буревестник» (Наманган) — 0:0, (2:5), «Нефчи» (Андижон области) — «Мотор» (Гулкестон) — 1:8, (1:7), (Қавс ичидигис иккинчи учрашулар натижасидир).

Шундай қилиб «Мотор», «Буревестник», «Меҳнат», «Буревестник» (Наманган), «Строитель», «Пединститут», «Сплав» ва «Металлург» (Олмалик) командалари чорак финалга чиқишди.

Чорак финал учрашувлари бугун ва келасан шабба кунлари ўтказилади.

БЕКАТДАГИ ХУНОВГАРЧИЛИК

...Бу воқеа шу йил 2 июль кунини бўлди. Чорсудаги автобус бекатида йўловчилар одатдагидек кўп. Уларнинг қўлида уй-рўзгор харажатлари. Йўловчиларнинг бир қисми ўзларини дархат салқинига олишган. Лекин ҳамманинг кўзи тўрт бўлиб, Халда томонга қараган. Автобус кўришди билан одамлар дув югуришади. Бироқ, шофёр кўз боқмай бекатдан ўтиб кетади. Яна ҳамма жой-жойига бориб автобус йўли томон кўз тиллади.

Урта ёшлардаги кишининг фони ошиб, ёнида турган одамларга юзланади.

— Мен Тошкентга биринчи келишим, — деди у. — Бир ойдан бери шу ерда хизмат қилишаман. Лекин жуда кўп шашма, одамлар унда ҳам, Ошитарди, кўрмаган эдим. Халқатан меҳмондўст халқ экан. Ўзбек деҳқонларининг етиштирган ноз-неъматларини кўриб офарин дедим. Амо, ана шу фукусункор шаҳринишга доғ бўлиб турган транспорт хизматидаги ишчи рақиммай илжой йўқ...

Хизмат тақозоси билан Иттифоқимиздаги жуда кўп шаҳарларда бўлдим. Лекин бирор жойда бундай аҳволни учратмадим. Ҳозир шу ерда прим соатдан бери туришман, автобус белгиланган бекатда тўхтамай, ўтиб кетишди. Тўхтаганига эса чиқиб бўлмайди, биргина бугун

эмас, деярли ҳар кун бундай аҳволнинг такрорланшини кўришман. Бу ўткетган интизомсизлик, одамларнинг меҳсимаслики!

Шаҳримиз меҳмони кўйини боғлашар экан, дам-дам ўткинчи машинага кўл қўтарарди. У ичиди ашқол-дашқол сугурди олинган, бўш консерва кўтисига ўхшаб қолган, олма соат тағида тўхтаган танси машинасига югуради экан «Бу аҳволга чек қўйиш керак» дея кўл силтади.

Эшитувчилар унинг гапини юз фойиз маълумлаб, қўшмача қилишарди. Шу орада покхуш бир давра пайдо бўлиб, гапини йўловчиларнинг бири олиб, бири қўярдиган.

— Транспорт харажатига қачон сон тегади, — деди меҳнат инвалиди, пенсияер Мажида Ота Нурулхамедов, — трамвай ва автобусчилар ишидан қўлчиллик нозури. Кўчага чиқинга юрагини беизлайди. Ишга ўрнига қатнайдиғанларга жуда қийна, Шуларга ачинаман. Шу автобус, трамвайчиларнинг бошқарилари ҳозирги жазирма кунларда пайда юриб қўришса, билдиладиган!

Шунда соат 6 дан 15 минут ўтган экан. Бу суҳбат давраси автобус кўриниши билан бузилиб, яна тикланиб турди. Шунга бекатдан неча машина тўхтамай ўтиб кетган бўлса, поме-

ри ёзилмагани учун улар ҳақида бирор нарсга дейиш қийин. Мана, 39-маршрутта қатнайдиған автобус кўринди. Йўловчилар ўринларидан қўзғалмадилар. Чўнқи 29—14 ТНВ маркали автобуснинг эшиги бекатга келганда бекилди. 5 минут ўтгач, 71—88 ТНВ маркали 53-автобус ҳайдовчиси йўловчиларнинг бекатга томон югуришларига қарамай елдай учирди ўтади. Ана 46—60 ТНВ маркали 46-автобус келди. Бирдан одамлар кўл кўтаришди, «тўхтанг!» деган шор билан илтико қилишса ҳам ҳайдовчи юз ўгириб ўтиб кетади. Шунингдек, 53-маршрут бўйича қатнайдиған 12—89 ТНД, 11—

03 ТНВ, ва 12—47 ТНЖ маркали 46-автобус ҳайдовчилари ҳам кўш тигида турган, уйлари оқиётган кишиларни назар-писанд қилмай тўхтамай ўтиб кетишаваради. Шунда соат 7 га қилинган эди. Хунобгарчилик авиатчи чиқди, асабий ҳолат пайдо бўлди...

Афтидан, юқоридagi автобус ҳайдовчилар бунини арзимаган оддий бир ҳол деб тушунишса керак. Аслида эса, бу ўткетган ўзбошимчилик, тартиб-қондан қўпол равишда бузилиш, тўғрироғи одамларнинг меҳсимаслиги эди. Шундай экан, бекатлардаги белгилар йўловчиларни алдаш учун ошиб қўйилганми?

Афим шофёрларнинг бекатда тўхтамай ўтиб кетишларининг сабаби шундай: Комсомол майдонидagi бош бекатдан автобуслар Маннон ўйгур кўчаси

бўйича қатнайдиладар. Шу майдондан автобус эшиги бекилмайдиған даражада йўловчиларни йинги оладиладар. Шунга автобус ўридан жилмайди. Натижада, Чорсув, 41-мактаб, Каттақовуз, бекатларда кўпинча тўхтамай ўтадилар. Бу аҳволни диспетчер ҳам, контролерлар ҳам била туриб, нимагадир қароғида солмаёттирлар. Аксинча, йўловчиларнинг эътирозига улар, графинка пеш қиладилар. Кўш, графинка ёпишиб олиб, йўловчилар ўртасида нозойлик туғдиришга нима мажбур қилапти?

Шуни айтиш керакки, ўзини, кишиларини хўрмат қилган автобус ҳайдовчилар ҳам бори, улар ҳеч қачон шундай номал-қўлчилик қилмайдилар. Бош бекатдан ўз вақтида кўнаб, йўлдаги бекатларда тўхтаб ўтадилар. Шундай экан, юқоридagi тилга олинган шофёрларнинг ўзбошимчилигига нима кўл қўлапти?

Эндиликда меҳнаткашларни ранжитётган бу аҳволга қатъий чек қўйиш керак. Йўловчиларга намунали транспорт хизматини кўрсатиш масаласига шаҳар автотрест раҳбарлари илдий бош қотиртишлари, ҳайдовчилар ўртасида меҳнат интизомининг, тартиб-қондан бузувчиларга нисбатан муросасиз бўлишлари керак. Аҳолининг ҳозирги талаби шунини тақозо этади.

М. ИВОВОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.



— Ҳой, тўхтанг, мен ҳам илиниб қолай...